



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 13 сентябрь, № 183 (6877) Чоршанба

Сайтнинг QR-кодini телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ — ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 сентябрь кунги Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Уларда давлатимиз раҳбарининг нутқида билдирилган асосий фикрларга алоҳида эътибор қаратилган кўплаб материаллар чоп этилгани ҳам бундан далолат беради.

Хусусан, Би-Би-Си Ўзбек хизмати (bbc.com/uzbek) Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ислоом оламнинг муаммолари масалалари, аввало, илм-фан ва технологиялар борасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини таъкидлаганини қайд этган.

Интернет нашр Президентимизнинг Тошкент шаҳрида Ислоом цивилизацияси марказини ташкил этиш бўйича ташаббусига алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, Би-Би-Си Шавкат Мирзиёевнинг мусулмон оламида фан ва технологиялар тараққиёти даражасига берган баҳо-сига, ИХТга аъзо давлатлар катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этганига, фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшилган ҳисса учун Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро мукофотини таъсис этиш ва уни кенг оммалаштириш ташаббусига ўқувчилар диққатини қаратган.

«Озодлик» радиоси (ozodlik.org) Ўзбекистон Президентини мусулмон мамлакатлари олимларининг фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини муносиб тақдирлаш мақсадида ИХТ мукофотини таъсис этишни таклиф қилганини, бу, айниқса, ёш олимларга илмий-технологик йўналишлардаги изланишларини янада фаоллаштиришга рағбат бўлишини қайд этган.

Ureport.net интернет нашри ўз мақоласида бундай ёзади: «Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Ислоом олами жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланмишга тўла ҳақли экани, Марказий Осиё худуди эса Шарқ Ренессансининг йирик маркази сифатинда маълум ва машҳур бўлганини таъкидлади. Алгоритм асосисини Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, кўплаб фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Синонинг бой илмий ва маънавий меросининг беқиёс аҳамияти тобора ортомқда».

«Биз Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий кўмитаси фаолиятини юксак баҳолаймиз ва унинг

ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганмиз. Ташкилотимизнинг мазкур йўналишида ўн йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилганидан далолат беради, дея таъкидлади Ўзбекистон Президентини, деб ёзилади интернет нашрида.

vb.kg интернет портали Шавкат Мирзиёевнинг ИХТга аъзо давлатлар олий таълим муассасаларининг халқаро даражаси пастлиги борасидаги сўзларига эътибор қаратган: «Аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университетининг рейтингидан ўрин олган, ҳолос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган».

Sputniknews-uz.com давлатимиз раҳбарининг ИХТга аъзо айрим давлатлар ўз молиявий салоҳиятидан фан ва технологияларни ривожлантиришда фойдаланмаётгани тўғрисидаги сўзларини келтиради: «Ақсарият мусулмон мамлакатлари бой табиий заҳираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим».

«Ўзбекистон раҳбари мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда глобал иқлим ўзгариши масаласига кўпроқ эътибор қаратиш, юқори самарали компьютер марказларини яратиш, ёш олимлар ва ёшлар билан комплекс ишлаш орқали ушбу вазиятдан чиқиш мумкинлигини таъкидлади», деб қайд этади манба.

Kazpravda.kz нашри ИХТ Доимий кўмитасининг аъзо давлатлар худудида олти Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон шундай марказлардан бирини ўз худудида жойлаштиришга тайёр эканини билдиргани ҳамда Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни таклиф этганига алоҳида эътибор қаратган.

(Давоми 2-бетда).

## БИЛИМ ВА ИҚТИДОРГА МУНОСИБ ТАКЛИФ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида навқирон авлод вакиллари учун меҳнат ярмаркаси очилди.



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида кўзланган мақсад йиғит-қизларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлариغا кўмаклашишдан иборат.

### ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Ямаркада, асосан, таълим муассасалари битирувчилари, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтganлар, хотин-қизлар ва аҳолининг эҳтиёжман қатламлари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Унда пойтахтимиздаги 450 дан зиёд ташкилотлар, бирлашмалар, йирик ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналари, шунингдек, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўзларининг фаолият йўналишларида доир 8 мингдан ортқ бўш иш ўринлари билан қатнашмоқда. Таклиф қилинаётган маoshларнинг икки миллион сўмгача экани ёшлардаги иштиёқни янада ортқиртапти.

(Давоми 2-бетда).

## Валюта сиёсати:

### ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Валюта сиёсатини либераллаштириш — ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим шarti. Шу маънода, бугунги кунда юртимизда Ўзбек сўми барқарорлигини мустаҳкамлашнинг янги механизмларини жорий этиш қизғин муҳокама қилинаётган долзарб мавзулардан бирига айланди.

#### ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Иқтисодий тадқиқотлар маркази бош илмий ходими Ашуралӣ Худойназаров мазкур соҳадаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. — Миллий валюта мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади, — дейди А. Худойназаров. — Иқтисодиётни ислох этишда асосий эътибор ташқи кредитлар ва заёмларни жалб қилишга эмас, балки маҳаллий ишлаб чиқариш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга, миллий валюта — сўмнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилди. Бунда ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан тўлдиртиш орқали сўмнинг истеъмол қувватини мустаҳкамлаш, пул-кредит сиёсатининг изчиллигига, ички бозорда истеъмол товарлари ҳамда пул маблағларининг мутаносиблигига эришиш диққат-эътиборда бўлди.

Илгари, 90-йилларнинг охирида кўп тармоқли ва барқарор иқтисодиётни шакллантириш бўйича белгилаб олинган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда биз учун янги бўлган соҳаларга хориж инвестицияси зарур эди. Дастлаб санoат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида маши-

на ҳамда жиҳозлар импорт қилувчиларга имтиёз ва преференциялар жорий этилди. Олтин-валюта заҳираларидан манзилли фойдаланиш керак эди-да. Шунинг учун ҳам миллий валютанинг расмий курси ушлаб турилди. Шундай қилиб, импорт таркибида машина ҳамда жиҳозлар улуши 40 фоизгача кўтарилди, бир-неча ўн йиллар давомида 40 — 45 фоиз даражасида сақланиб турди. Айнан ушбу ёндашув натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистонда автомобилсозлик, нефть-химия, электротехника сингари санoатнинг бутунлай янги тармоқлари пайдо бўлди. Натижада мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида санoатнинг улуши 32-33 фоизни ташкил этапти. Ваҳолонки, айрим экспертлар давлат муайян қийсий устуворликка эга бўлган соҳаларда ишлаб чиқариш билан шуғулланиши керак, деган фикрни айтишади.

Сўнгги йилларда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш сиёсатидан кўзланган мақсадга эришилди. Қийсий устуворлик яратилди, чет эл инвестициясини жалб қилиш суръати эса турғунлашиб қолди. Ўзбекистонда валюта конвертацияси масаласида бир гуруҳ

инвестор-импортёрлар, йирик лойиҳалар ташаббускорларига имтиёз ҳамда преференциялардан фойдаланаётган. Улар аслида ўша даврда устувор бўлган тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ эди. Бугун инвесторларнинг ҳаммаси учун бир шарт яратиш даври келди. Агар мамлакатда эркин иқтисодиёт тамойиллари амал қилмаса, сармоядор киритган капитални ўз Ватанига қайтариб олиб кетолмаси, унга бундай ҳамкорликдан наф йўқ.

Валюта чекловлари умуман ташқи иқтисодий фаолиятга, жумладан, экспортни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Алаоқибат, экспортёрлар чет эл валютасида фойда қўришга ишонмасдан, тушумларини тижорат банкларига миллий валютанинг расмий курсида топширмасликка ҳаракат қилишади. Бунда ҳисоб-фактураларда нархларни манипуляциялаштириш орқали турли «схемалар» ўйлаб топилди.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятда солиқ иттифоқ мамлакатларидан қолшмайди. Аммо Ўзбекистонга жалб этилаётган инвестициялар ҳали ҳам етарли эмас. Президентимизнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармони қабул қилиниши билан чет эллик инвесторларга эшиклар кенг очилиб, барча учун тенг имкониятлар яратиб берилди.

(Давоми 2-бетда).



## Долзарб масалалар муҳокамаси

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида давлат бошқаруви тизимини тўздан ислох қилиш масалалари депутатлар диққат-эътиборида бўлди.

### ПАРЛАМЕНТАДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қуйи палата аъзоларининг таъкидлашича, мазкур ҳужжат тарихий аҳамиятга эга бўлиб, давлат бошқарувининг концептуал жиҳатдан янги моделга ўтишидан далолатдир. Депутатлар ушбу ҳужжат муҳокамасига аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш нуктаи назардан ёндашилди. Маълумки, Президентимиз кўрсатма-ларига асосан, Қонунчилик палатаси жорий йил бошидан буён соғлиқни сақлаш соҳасида назорат-таҳлил ишларини олиб бормоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад эса тиббий муассасалари барча бўғинидаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими юзасидан чоралар қўришидир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар Концепциянинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувининг бозор механизмининг кенгайтириш белгиланганга эътибор қаратиб, амалиётда бу вазифа ижросига киришилганини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар» тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, валюта конвертацияси жорий этилди. Эндиликда юридик ва жисмоний шахслар нафақат ўзимизда, балки дунёнинг истаган мамлакатда ҳам давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувисиз эркин тўлов қилин-ларини амалга оширишлари мумкин бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш сифат босқичига кирди

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг муҳим мақсадлари акс этган бўлиб, айни чоғда унинг ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда.

### МУНОСАБАТ

Президентимизнинг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни янада муваффақиятли амалга оширишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тўздан

ислох этишининг олти асосий йўналиши белгилаб берилди. Албатта, бу худудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини самарали рўйбга чиқаришга тўққинчи қилувчи қатор муаммо ва камчиликларни бар-тараф этишга хизмат қилади. Концепцияда «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ижро этувчи

ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ҳада худудий бўлиналари-ни ташкил қилиш ва туғатиш-нинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш бўйича нормаларни ифодалаш белгиланди. Шунингдек, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Инновация фаолияти тўғрисида»ги, «Давлат хизмати тўғрисида»ги ҳамда «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва бошқа норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-ларини тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар назарда тутилди.

(Давоми 2-бетда).

## Фарзандларимиз бахту иқболи учун ҳаммамиз масъулмиз

Ёш авлод таълим-тарбияси — миллат келажаги ва тақдирига даҳлдор масала. Агар боланинг ҳар томонлама уйғун шахс сифатида шаклланиш пайдоври мактаб ёшигача бўлган даврда қўйилишини ҳисобга олсак, таълим-тарбия ишлари оила ҳамда жамият зиммасига жуда катта масъулият, керак бўлса, жавобгарлик юклаганини англаш қийин эмас.

### СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Шу маънода, табиятан бола-жон ва оилапарвар халқимиз азалдан бола таълим-тарбияси-га ҳаёт-мамонт даражасида аҳамият қаратиб келиши ало-ҳида эътирофга моликдир. Зо-унда, бу масалага эътибор бер-маслик нафақат ота-она ёки оилага, балки бутун жамиятга, давлатга қимматга тушиши мумкин ҳамда бунга ҳаётий мисоллар кўп.

Мамлакатимизда болалар-нинг муносиб шароитда тарбия-ланиши, таълим олиши, жисмо-ний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топиши йўлида истиқболли қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бола ҳуқуқларини, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш соҳасида ажратилган давлат бюджетли маблағлари ҳажми муттасил орттирилаётгани, шунинг баробарида, тегишли нор-матив-ҳуқуқий база тақомил-лаштириб борилаётгани қувон-чарли, албатта. Жумладан, бир-

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАБУСЛАРИ – ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги ИХТ Фан ва технологиялар саммитини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортди.

Мазкур масала ҳақида тўхталар экан, **Kant.kg** давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтирадиган «Аҳоли ахборот воситалари» иқтисодий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу таклиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда

Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканлигини билдирмоқчиман».

Мазкур ташаббус **ca-news.org** веб-сайти материалда ҳам ўз аксини топган: «Остона саммитида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ИХТнинг Фан ва технологиялар бўйича саммитига мезбонлик қилишга тайёрлигини билдирди».

Интернет наشري Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташаббуси Ташкилотга аҳоли ахборот воситалари кенг қўллаб-қувватланганини қайд этади ҳамда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити Остона декларацияси баъдларидан бирини келтиради: «Ислом ҳамкорлик ташкилотига аҳоли ахборот воситалари бўйича саммитини ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифини мамнуният билан қабул қиладилар».

«Биз ИХТ Бош қотибияти ва КОМСТЕК (ИХТнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси) Ўзбекистон ҳукумати билан Ўзбекистонда ИХТ Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини чакришга керакли тайёргарлик ишларини бошлашга вақолат берамиз», дейилади декларацияда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ саммитидаги нутқи оммавий ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди,

интернет фойдаланувчилари томонидан ижобий баҳоланди ва фол қўллаб-қувватланди. Нутқ бўйича қўллаб-қувватланди билдирилгани ва ундаги фикрлар турли нашрларда қайта чоп этилгани ҳам ана шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан ИХТ саммитида Ташкилотнинг фан ва технологиялар ривожлантириш соҳасидаги саноат-ҳаракатларини фоллаштиришга доир билдирилган ташаббуслар интернет ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди ва кенг қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда ҳам интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар диққат марказида бўлиб турибди.

Ў.А.

# Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш сифат босқичига кирди

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айтиш мумкинки, мазкур саноат-ҳаракатлар ижросини таъминлашда депутатлик корпуси масъулияти янада ошади.

Шу билан бирга, Концепцияда белгиланган илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш, инновацион соҳаларда технологияларни ишлаб чиқишга ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга инвестицияларни кенг жалб этиш, уларни янада ривожлантиришни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришга доир вазифалар долзарб аҳамиятга эга.

Қолаверса, Концепцияда назарда тутилган табиати муҳофаза қилиш, ресурс ҳамда энергия тежайдиган технологияларни, шу жумладан, муқобил ва қайта тиланувчи энергия манбалари-

ни қўллашни ривожлантиришга доир вазифаларни амалга оширишда «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақомиллаштириш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишимиз талаб этилади. Айни қолда «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам янада фоллиқ кўрсатишимиз зарур.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси нормаларини амалий рўёбга чиқариш бўйича 40 дан ортиқ аниқ тадбирларни қўзда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланди. Бу Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни муҳим қадам бўлди, десак, асло янгилишмаймиз.

Умуман айтганда, маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат

қилиши керак», деган эзгу тамойилни ҳаётга татбиқ қилиш, давлат бошқаруви тизимини бюрократиядан холи этиш ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш, инновацион фойдалар, ишланмалар ҳамда технологиялар тизимини, жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция қўриқчиларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизимини тақомиллаштириш орқали давлат хизматлари қўрсатишини самарадорлигини қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ермамат ХОЛИЕВОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
депутати.

# Долзарб масалалар муҳокамаси

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Фракция аъзоларининг фикрича, маъмурий ислохотларнинг тизимли олиб борилиши ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратишга олиб келади. Қолаверса, «Электрон ҳукумат» тизимини тақомиллаштириш орқали давлат хизматлари қўрсатишини самарадорлиги ортади.

Кун тартибидagi галдаги масала ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Унда фракциянинг солиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши устидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориши бўйича асосий йўналишлар тўғрисидаги масала атрофида муҳокама этилди.

Ижро ҳокимияти органлари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш ҳамда аҳоли муносабатларини ҳал этишда уларга тўққинлик қилаётган камчиликларнинг олдини олишга замин яратилди.

Айниқса, ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш борасидаги амалиётни янги босқичга олиб чиқиш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, шунингдек, уларнинг жисмоний ҳамда юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш орқали аҳолининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш имкониятини яратиши фракция аъзолари томонидан алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг аҳоли солиқини сақлаш соҳасидаги ислохотлар жараёнидаги ишлари, аҳолининг муҳокама этилди.

Фракция, ўз зиммасига аҳолига тегишли хизмат қўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилишга қўмақлаштириш, бунда парламент ҳамда депутатлар назоратини самарали олиб бориш, шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини юксалтириш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза этиш тизимларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилишини назорат қилиш, тиббиёт соҳасида раҳбар кадрларни ротация қилиш, уларга тегишли ҳудуддан уй-жой ажратиш ҳамда оиласига яшаш учун зарур шароитлар яратиш масалаларини ўрганиш ва ушбу йўналишдаги ишларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаш олдини олиб келиниди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида давлт Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида келиб чиқиб, партия ва унинг фракцияси аъзолари олдида турган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, Концепцияда белгиланган асосий йўналишлар ижросини таъминлаш маҳаллий

ишларни илҳом қилиш ҳамда самарали бажариш, ҳар бир йўналиш бўйича жойларга чиққан парламент ва депутатлар назоратини кучайтириш юзасидан таклиф ҳамда тавсияларини билдиришди.

Йиғилишлар якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракцияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртимиз, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 АКШ доллари	8092,13	1 Хитой юани	1244,20
1 евро	9718,65	1 Сингапур доллари	6026,76
1 Россия рубли	141,21	1 Швейцария франки	8252,52
1 Англия фунт стерлинги	10661,38	1 БАА дирҳами	2203,26
1 Япония иенаси	74,65	1 Миср фунти	459,78
10 Жанубий Корея вон	7,15	1 Австралия доллари	6511,74
1 Кувейт динари	26897,56	1 Туркия лираси	2373,69
1 Малайзия ринггити	1927,62	1 СДР	11525,62
1 Канада доллари	6663,48	1 Украина гривнаси	310,64
		1 Польша злотийси	2291,54

# Валюта сиёсати: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу — иқтисодиётда ўта муҳим қадам. Бунинг самараси тўғрисида яқин келажикда ололган замонавий қорхоналар, янги ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятга йўлга қўйилди, қўллаб-қувватлаш ташкил этилади, рақобат мўжиди кучайди. Эро, валюта сиёсатини либераллаштириш янги ресурсларни ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда иқтисодий диверсификацияни яратиб унумли шарт-шароит демаркади.

— Яна қандай ўзгаришлар юз беришини кутишимиз мумкин? — Фармон, энг аввало, экспортчи қорхоналар учун улкан имкониятларни беради. Хусусан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташқи савдо фаолиятини барча иштирокчиларнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди. Чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият қўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжалиқлари ўз банк ҳисоб-варақаларида чет эл валютасини нақд қўриқини олишлари мумкин. Юридик шахслар жорий халқаро операциялар, яъни товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафарни харажатларини тўлаш ҳамда савдо характерида эга бўлмаган бошқа ўтказмалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини неқловсиз сотиб олишлари имконияти яратилди. Бу бизнес ҳамжамиятига тақдим қилинаётган қўлай омиллардан кичик бир мисол, ҳолос.

Албатта, хориждан расмий курс бўйича олиб келинадиган маҳсулотларнинг нархи ошishi эҳтимоли йўқ эмас. Чунки долларнинг расмий курси кутарилиши билан импорт сарф-харажатлари ҳам ортади. Шу сабаблар Фармонда иқтисодиёт тармоқла-

рига давлат томонидан молиявий ёрдам бериш, солиқда тортиш механизмлари ва тамойилларини тақомиллаштириш, давлат томонидан вақтинча субсидиялар ажратиш, бошқона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш сингари чора-тадбирлар қўзда тутилган. Буларнинг барчаси салбий оқибатларни юмшатишга хизмат қилади.

Тўлиқ маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш қорхоналари эса экспортни кенгайтиришни йўлга қўрадиган вақт келди. Чунки экспортчилар сўмининг девальвациясидан ютишди. Масалан, сўнгги йилларда маҳаллий цемент ишлаб чиқарувчилар нафақат ички бозорни ушбу қурилиш шаси билан тўлиқ тўлдирди, айни пайтда экспорт қилиш қувватига ҳам эга бўлди. Кейинги 10 йилда мамлакатимизда цемент тайёрлаш ҳажми 3,2 миллион тоннадан 8,25 миллион тоннага ортади. Долларнинг расмий курси сўнгги йилда ошганига қарама-қарсидан, цемент нархи улкусиз тушиб борди. Бу ҳам ташқи бозордан харидор излаш учун ўзига хос ишора. Машиқ техника воситаларини ишлаб чиқарадиган «Atel» компанияси Европа бозорларидан рақобат қилишга қодир, «Akfa» компанияси ўз маҳсулотларини муваффақиятли равишда экспорт қилаётган, ўзбек автомобиллари эса хориқлик истеъмолчилар меҳрини қорзонгани бугун кўпчиликка маълум. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

— Ўзбекистон дунё иқтисодий жараёнларининг фол иштирокчиси. Валюта сиёсатини либераллаштириш бошқа мамлакатларда қандай кечган? — Агар ҳақон таърибасига эътибор қаратадиган бўлсак, шуни қайд этиш керакки, мамлакатлар томонидан танлаб олинган йўллар турфа хил. Валюта сиёсатининг давлат томонидан тартибга солиниши салбий оқибатларга олиб келган ёки ижо-

# БИЛИМ ВА ИҚТИДОРГА МУНОСИБ ТАКЛИФ



◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Айни пайтда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида ишсизлик даражаси аҳоли, айниқса, ёшлар орасида қўпайётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — дейди Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Абдор Мирзаахмедов. — Юртимизда эса ёшлар доимо эътиборда. Бундай тадбирларнинг мунтазам равишда ташкил этилаётганидан жудаям хурсандимиз. Ҳозирги кунда рус тилларини биламан. Тез орада хусусий қорхонада фаолият юритиб, танлаган касбим бўйича салоҳиятимни рўёбга чиқармоқчиман.

Ярмарка давомида иш берувчилар томонидан амалий кўрсатмалар ҳам ўтказилди. Мисол учун, қурилиш, пайвандлаш, озик-оқат, сут ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш соҳаси, жумладан,

тиқиш-бичиш ва сартарошлик бўйича маҳорат сабоқлари уюштирилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабеовнинг қайд этишича, бу каби анжуманлар иш берувчилар ва меҳнатга лаёқатли фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, фуқароларни меҳнат бозоридида сўнгги маълумотлардан, бохабар этишга хизмат қилмоқда.

Бу галги тадбирнинг яна бир ўзига хос жиҳати, унда пойтахтимиздаги 30 дан ортиқ тижорат банклари имтиёзли кредитлар олишга қўмақлашиш, қўлай ҳамда соддалаштирилган кичик бизнес лойиҳаларини тақдим этиш ва белгиланган солиқ имтиёзлари қўллавишига доир кўрсатмалар тақдимлари билан қатнашмоқда.

— Бизнес оғам билан Халқ банкнинг Шайхонтоқур филиалига мурожаат қилдим, —

дейди ёш тадбиркор Азамат Мансуров. — Улар таклифимни қўллаб-қувватлаш истагида эканликларини билдиришди. Яқин орада имтиёзли кредитга эга бўлиб, тенгдошларим учун яна янги иш ўринларини ҳам қўпайтираман.

Меҳнат ярмаркасида келган Юнусобод туманилик Нарғиза Жўраеваининг айтишича, у касб-ҳунар коллежини тамомлаган, сўнгги йилларда фарзанд тарбияси билан машғул бўлган.

— Бу ерда тақдим этилган маълумотлар билан батафсил танишиб, оилавий шароитимга мос иш топдим, — дейди у. — Бу каби меҳнат ярмаркаларининг ташкил этилиши иш берувчи учун ҳам, ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун ҳам жуда яқши имконият.

Ярмарка бугун ҳам давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Фарзандларимиз бахту иқболи учун ҳаммамиз масъулмиз

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса бу борадаги ишларнинг манфиқий давомини белгилаб бериши баробарида, айни жараёнида янги босқичга олиб чиқишда дастуриямал ҳисобланади.

Фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш ва соғлом ўсишида мактабгача таълим муассасалари алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги кунда мазкур таълим-тарбия масалаларининг фаолиятини яхшилаш саноат-ҳаракатлари изчил олиб борилаётгани шу нуқтан назардан муҳим. Лекин мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ ҳамда самарали амалга оширишга тўққун бўлаётган тизимли камчиликлар ҳам борки, улардан асло кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, мамлакатда боча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш қўрсатқичи ҳали у қадар қониқлиқ ҳосил қилмаётган. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида 2 — 6 ёшдаги болалар сони 156 минг 500 нафардан зиёд ички ташкил этиш ҳолда, уларнинг атиги 30 фоизи давлат боччаларига қатнай-

ди. Бу рақамнинг ўзиёқ Оролбўйи ҳудудида, айниқса, олис овулларда мактабгача таълим муассасаларига талаб ва эҳтиёж юқори эканидан далолат беради.

Шу билан бирга, аксарият мактабгача таълим муассасасида мавжуд шарт-шароит, болаларга илгор педагогик технологиялар асосида сабоқ бериш, тиббий хизмат қўрсатиш, уларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш сифати белгиланган стандартларга мувофиқ эмаслиги яқши маълум. Ушбу муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш тизими паст экани малакали кадрларни, биринчидан, ёш мутахассисларни жалб қилиш имконини бермапти. Аҳолини ўйлантираётган, айрим ҳолларда эътирозларига сабаб бўлаётган мана шундай қатор муаммолар мактабгача таълимни «бўшқаришнинг» чуқур ўйланиш, жиддий ёндашилган, илгор механизмларини жорий этишни тақозо қилади. Президентимизнинг янги қароридида мактабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини тақомиллаштириш, уларнинг инфратузилмасини, моддий-техникавий жиҳозланишини яхшилаш юзасидан аниқ вазифалар назарда тутилган. 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида эксперимент

тартиқасида давлат-хусусий шериклик шартларида мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши, замонавий, ижтимоий жиҳатдан ҳаммабоб шундай муассасаларни очиш учун инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар 50 йил муддатга бегараз ажратилиши ҳамда кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, имтиёзли кредитлар тақдим қилиниши, умуман, нодавлат мактабгача таълим тизими кенгайтирилиши шулар сирасига қиради.

Қарор ижроси доирасидаги комплекс чора-тадбирлар, алоқибат, бошланғич таълим-тарбия соҳасида янгилаштиришга замин яратилди, болаларни умумтаълимга тайёрлаш сифати ҳамда қамровини юксалтирди.

Мактабгача таълимни тубдан ислоҳ этишда халқ вакиллари, сенаторлар ҳам четда турмай, маҳаллий ҳокимият органлари, таълим муассасалари, нодавлат институтлар билан ҳамжиҳатлиштириш олиб бориши, соҳанинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш ишларида ташаббуслар бўлиши зарур. Чунки келажикимиз — болаларимиз бахту иқболи учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

**Айсанем АЛЛИЯРОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
аъзоси.

ррада давлат томонидан молиявий ёрдам бериш, солиқда тортиш механизмлари ва тамойилларини тақомиллаштириш, давлат томонидан вақтинча субсидиялар ажратиш, бошқона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш сингари чора-тадбирлар қўзда тутилган. Буларнинг барчаси салбий оқибатларни юмшатишга хизмат қилади.

Тўлиқ маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш қорхоналари эса экспортни кенгайтиришни йўлга қўрадиган вақт келди. Чунки экспортчилар сўмининг девальвациясидан ютишди. Масалан, сўнгги йилларда маҳаллий цемент ишлаб чиқарувчилар нафақат ички бозорни ушбу қурилиш шаси билан тўлиқ тўлдирди, айни пайтда экспорт қилиш қувватига ҳам эга бўлди. Кейинги 10 йилда мамлакатимизда цемент тайёрлаш ҳажми 3,2 миллион тоннадан 8,25 миллион тоннага ортади. Долларнинг расмий курси сўнгги йилда ошганига қарама-қарсидан, цемент нархи улкусиз тушиб борди. Бу ҳам ташқи бозордан харидор излаш учун ўзига хос ишора. Машиқ техника воситаларини ишлаб чиқарадиган «Atel» компанияси Европа бозорларидан рақобат қилишга қодир, «Akfa» компанияси ўз маҳсулотларини муваффақиятли равишда экспорт қилаётган, ўзбек автомобиллари эса хориқлик истеъмолчилар меҳрини қорзонгани бугун кўпчиликка маълум. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

— Ўзбекистон дунё иқтисодий жараёнларининг фол иштирокчиси. Валюта сиёсатини либераллаштириш бошқа мамлакатларда қандай кечган? — Агар ҳақон таърибасига эътибор қаратадиган бўлсак, шуни қайд этиш керакки, мамлакатлар томонидан танлаб олинган йўллар турфа хил. Валюта сиёсатининг давлат томонидан тартибга солиниши салбий оқибатларга олиб келган ёки ижо-

рациялар, балки чет эл капиталлари, яъни молиявий операциялар бўйича ҳам назорат ўрнатилган мисоллар бор.

Дейлик, Осие молиявий инқирози даврида Малайзия Бош вазири Махатхир Мухаммад 1998 йилда мамлакат ялли ички маҳсулоти 7 фоиз пасайган, молиявий операциялар бўйича конвертацияни ёпди. Шунинг учун ҳам ваҳимага тушиб қолган сармоядорлар ўз маблағларини олиб чиқиб кета олишмади. Давлат раҳбарининг ушбу қарори дунё ҳамжамияти учун қутулмаган қарор бўлди. Экспертлар унинг энг салбий оқибатлари ҳақида бонг ура бошлашди. Эмишиқ, инвесторлар ушбу мамлакатни бутунлай тарқ этиш мумкин. Аммо ваҳимали прогнозларга қарама-қарсидан, Малайзияда иқтисодий пасайиш тўхтади, мамлакат ялли ички маҳсулоти келаси йилнинг ўзида 6 фоиз ўсди. Ваҳолонки, минтақадаги давлатларда, жумладан, Таиланд, Жанубий Корея, Индонезия, Сингапурда иқтисодий таназзул ҳали ҳам давом этар эди. Орадан кўп ўтмай, яъни иқтисодиёт яна ўсишга чиққан, Малайзияда чет эл капиталлари ҳаракатлари устидан назорат олиб ташланди. Эътиборлики, валюта резервлари мамлакатдан чиқиб кетиши ўрнига уларнинг қўпайиши кузатилади. Бу сиёсий ирода, ҳамтарли қадам эди. Аммо пировардида ўзини оқлади. Натижанда Халқаро валюта жамғармаси экспертлари Махатхир Мухаммаднинг қарорини ўз вақтида қабул қилинган қарор, деб баҳолади.

Жуда қўллаб-қувватлашда импорт ўрини босиш сиёсати, одадда, валютанинг конвертация қилиниши келаш сиёсати билан бирга олиб борилади. Мисол учун, ўтган асрининг 60-йилларида Ганада ЯИМнинг жон бошига реал ҳажми тахминан 200 долларни ташкил қиларди. Корея Республикасида эса бу кўрсаткич 100 доллардан ҳам ошмасди.

Уша пайтларда мазкур мамлакатда фақатгина гурч етиштирилган эди. Эли Хекшер ва Бертил Олин сингари Нобель мукофоти совриндорлари бўлган машҳур иқтисодчилар назариясига қўра, Жанубий Корея гурч етиштиришга ихтисослаштирилиши керак эди. Телевизор, музлаткич, айниқса, автомобиль ишлаб чиқариш улар учун эмас эди. Аммо ушбу мамлакат ҳукумати ўз валюта захирасини айнан импорт қилинадиган саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштиришга ҳамда таълим тизимини ривожлантириш, яъни инсон капиталини тўллага қаратди. 80-йилларнинг охирига келиб, Корея Республикасининг ялли ички маҳсулоти ҳамми аҳоли жон бошига қарийб 5000 доллар етди. Ганада эса аввалгидек эркин иқтисодиёт тамойили амал қиларди. ЯИМнинг қўрсатқичи эса, бор-йўғи, 400 долларга етди. Бугун эса Жанубий Кореянинг ялли ички маҳсулоти жон бошига ўртача қарийб 30 минг долларни ташкил этади.

— Мамлакатимизда шу кунга қадар валюта курсининг бир неча расмий ва норасмий курси амал қиларди. Курсларни бир хиллаштириш нима беради? — Тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларидаги курсни шакллантириш учун валюта бозоридида реал талаб ҳамда таклиф асос бўлиб хизмат қилади. У банкларо нарҳдсиз операциялар бўйича курсдан фарқ қилиши мумкин. Валюта айирбошлаш шохобчаларида курсга қелидиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда у банкларо нарҳдсиз операциялар бўйича курс асосида минимал маржа билан ўрнатилади. Нақд маблағлар улуши айланмада қанча кўп бўлса, айирбошлаш курси банкларо курсдан шунчалик фарқланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда курслар ўртасида фарқ сезиларсиз даражада бўлиши учун нарҳдсиз ҳисоб-китобларга қатта эътибор қаратилмоқда. Валютанинг норасмий курси вақт ўтиши билан йўқолиб кетиши керак. Бунга объектив сабаблар, яъни бозор механизмларини жорий этиш орқали эришиш лозим. Ушбу курслар ўртасида кескин фарқлар пайдо бўлишига йўл қўймайлик жуда муҳим. Бугунги кунда мазкур фарқ энг кўпи даражага етказилди.

Дилдора РАҲИМОВА сўзбашлади.

# Тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси

### Қашқадарё вилоятининг 13 та тумани ва Қарши шаҳрида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари иш бошлади.

Президентимизнинг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳамда туман бўлимларида ташкил этилган мазкур марказлар тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Мисол учун, ишбилармон муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланшиш ниятида бўлса, марказ томонидан унга керакли ахборотларни олиш, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш каби давлат хизмат-

ларидан фойдаланишда зарур кўмак кўрсатилади. Эндликда тадбиркор бўлишни истаганлар бизнес-режа ишлаб чиқишда, шунингдек, лизинг, сугурта ва баҳолаш хизматларидан

лотидир, — дейди унинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Саъдулла Бобоқуллов. — Президентимизнинг Фармониغا асосан, ушбу тузилма ваколати оширилиб,

давлат органларига мажбурий жавоб талаб қилинадиган ёзма сўровномаларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бошқача айтганда, ташиқлот ҳуқуқимиз томонидан чиқарилаётган ҳуқуқий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ифода этилишини таъминлашда қатнашади. Айна пайтда ушбу марказлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида "ягона дарча" таъминоти асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар билан қўшма жойлаштириш тизими доирасида иш олиб бормоқда. Ишбилармонлик муҳитини шифат жиҳатидан юксалтиришга қаратилган бу каби ишловлар келгусида тадбиркорлик субъектлари сафининг янада кенгайиши, жойларда юқори қувватга эга ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилишига мустақам пойдевор яратди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФАРМОН ВА ИЖРО

фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш масаласида ёрдам сўраб ушбу марказга мурожаат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, бу ерга келувчиларга ускуналар, минитехнологиялар ва уларни хорижий давлатлардан олиб кириш тартиби ҳақида батафсил маълумот олиш имконияти яратилди.

— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси — юртимиздаги барча тадбиркорлик субъектини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташки-

зиммасига қўшимча вазифалар юклатилгани фаолиятини янада кенгайтириши баробарида, тадбиркорлар билан ишлаш, улар ҳуқуқларини ҳимоялаш тизимини тубдан яхшилашга мустақам замин яратди. Жумладан, эндликда Савдо-саноат палатаси махсус эксперт кенгаширини ташкил этиш, қолаверса, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқликлар ва турли ёндашувларни бартараф этиш бўйича ваколатли

## ҲАМКОРЛИК

Яқинда бир гуруҳ хоразмлик фермерлар Индонезияда бўлиб қайтди. Сафар давомида томонлар ўзаро тажриба алмашиш баробарида, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илмий-техникавий, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустақамлаш масалаларини муҳокама этишди.

## Хоразмлик фермерлар Индонезияда тажриба алмашди

— Иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланган давлат деҳқонлари, асосан, пальма ёғи, кофе, шол, соя, шунингдек, турли зираворлар етиштиришади, — дейди Урганч туманидаги "Қамола-Шахлохон" фермер хўжалиги раҳбари Қудрат Ражабов. — Шу боис маҳаллий фермерлар билан мулоқотда бўлиб, аграр тармоқдаги интенсив технологиялар, шол ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асослари, балиқ етиштириш, ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги илғор тажрибалар ҳақида ўртоқлашдик. Уйлайманки, бу янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Учрашув якунида Богар университети билан ҳамкорликда шолнинг серхосил янги навларини яратиш бўйича келишиб олинди.

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## BOLALAR KITOBII

III Respublika Festivali

Юртимизда ёшларни қомил инсонлар этиб тарбиялаш, хусусан, уларнинг маънавийтини юксалтириш, китоб мутолаасига бўлган меҳрини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида бу борада қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Шунга мувофиқ, нашриётлар, босмахоналарнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ривожлантириш, ўқувчиларга сифатли босма маҳсулотлар етказиб бериш бўйича қизгин жараён кетмоқда.

О. ЛУТҒУЛЛАЕВ.

## Тафаккур хазинаси

14 — 16 сентябрь кунлари мамлакатимизда "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!" шiori остида "Болалар китоби" учинчи республика фестивали ўтказилди.

маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни жамоатчиликка етказиш, ўғил-қизларнинг китобга қизиқишини кўайтиришдан иборат. Тадбирларда юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотларини ҳавола этади. Шу билан бир қаторда, нашриётларнинг тўрт юз номдаги янги китоблари тақдимотлари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Фестиваль доирасида "Энг фаол ёш китобхон", "Ёш китобсевар", "Менинг биринчи китобим", "Китобхон оила" каби мавзуларда интеллектуал ўйин ва викториналар, "Мен севган китоблар" мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида фестивал олдидан ўтказилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

## Тўрт юз кишининг бандлиги таъминланди

Наманган вилояти марказида яна бир енгил саноат субъектининг фойдаланишга топширилиши шаҳар аҳлига чинакам совға бўлди.

### ИНТИЛИШ

Самарқанддаги "8 март" масъулияти чекланган жамиятининг филиали сифатида ташкил этилган маз-



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўза) олган сурат.

кур корхонада айна пайтда болалар ва аёллар учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришилди. Таъсисчилар ушбу истиқболли лойиҳа рўйи учун 1 миллион 337 минг АҚШ долларилик сармага йўналтирдилар. Бу ерга ўрнатилган замонавий технологик дастгоҳлар ёрдамида йилига 2 миллион 400 минг донагача хушбичим либослар тайёрлаш мумкин. — Лойиҳа амалга ошиши билан 400 кишининг бандлиги таъминланди, — дейди филиал раҳбари Анваржон Темиров. — Уларга, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб қилинди. Таъкидлаш керакки, янги корхона маҳсулотлари тўлиқ экспортга йўналтирилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

2018 йил олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА: (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 2 ўрин.
- 08.00.13 — Менежмент — 2 ўрин.
- 12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи — 2 ўрин.
- 23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура — 1 ўрин.

**Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**  
— магистр даражасига ёҳуд олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича)га эга бўлганлар;  
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишда бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.  
**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**  
— ариза;  
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);  
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);  
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;  
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

**ДОКТОРАНТУРА:** (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.
- Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**  
— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;  
— фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёҳуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлганлар.  
**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**  
— ариза;  
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);  
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);  
— олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;  
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;  
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари.  
Докторантурада ўқиш учун кирайтган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:** (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.13 — Менежмент.
- 12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи.
- 23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура.
- Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:**  
— магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;  
— белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;  
— камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажини ёки муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.  
Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёҳуд уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабгорга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар.

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**  
— ариза;  
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);  
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;  
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;  
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;  
— илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;  
— иш жойидан тасвифнома.  
Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2017 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади. Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 232-60-67, 232-61-47. Электрон манзил: m.m.abdujamilova@mail.ru

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚУМИТАСИ**  
**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**  
спорт тиббиёти ихтисослиги бўйича 2018 йил учун таянч докторантура ва докторантурага қабул эълон қилади.

**Таянч докторантура:**  
14.00.38 — спорт тиббиёти — 2 та ўрин.

**Мустақил изланувчилик:**  
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)  
14.00.38 — спорт тиббиёти — 2 ўрин.

**Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-371) 241-30-93. Электрон манзил: gnpssm@gmail.com**

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ҚУМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 19 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**  
1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 250-мқ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.  
2017 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-15 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофая вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг 2017 йил 14 июлдаги 22, 30, 82-сон «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартибини тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2914 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2017 йил 17 июлдаги 107-сон «Бюджет тасдиқини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-6 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 27 июлдаги 2017-05-сон «Қимматли қозғалар бозорини инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-4 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги К-2, 102-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синхрон воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2916 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
8. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 16 августдаги 469-сон «Текширувдан лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2782-1 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 16 августдаги 2017-06-сон «Қимматли қозғалар бозорини мутахассисларнинг маълумоти асосида, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.  
2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-4 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 7 августдаги 122, 2017-42-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги К-2, 102-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синхрон воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.  
2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-34 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 123, 2017/09-12, 01-02/8-20-сон «Учинчи давлатларда ишлаб чиқариладиган ва четга рақобат қилинадиган хорижий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ўқишга кириш учун йўриқномага ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.  
2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2610-1 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 110, 140, 2017-37, 01-02/8-29-сон «Маблагларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.  
2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2017 йил 12 августдаги 19/3-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ҳисоббараклар режасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.  
2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1210-1 (2017 йил 28 августдан қучга кирди).  
II. Давлат реестридан чиқарилди:  
1. Ўзбекистон Республикаси Мудофая вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартибини тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2402, 2012 йил 21 ноябрь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 2402-1, 2013 йил 31 июль).  
Адлия вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 251-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.  
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, навқирон авлод вакиллари миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз томонидан 2017 йил 12 январда имзолаган "Китоб махсуслотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиш бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтараяпти.

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

ёхуд айрим зиё масканларидаги нохуш ҳолатлар хусусида

Муҳими, йилда масалага юртдошларимиз ҳам бефарқ эмас. Олот тумани ахборот-ресурс маркази ходими Норжон Сафарованинг тахририятимизга йўллаган мактуби шундан далolat беради. Ушбу жат бизни жойлардаги зиё масканларининг ҳақиқий аҳоли билан яқиндан танишишга ундади.

асраб-авайлаш учун залдаги ҳарорат мўътадил бўлиши керак эмасми? Афсуски, ушбу саволларга тайинли жавоб ололмадик. — Туманимизда китобга меҳр қўйган ёшлар жуда кўп, — дейди Норжон Сафарова. — Уғил-қизларимиз келажакда қайғурсак, уларнинг билимини мустаҳкамлашлари, дунёқарашини бойитишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш керак-ку, ахир. Марказимизни қўя туринг, туманимизнинг бир қатор мактаблари кутубхоналарида ҳам аҳоли талаб даражасида эмас.

жамоанинг мутасаддиларга ахборот-ресурс маркази биносини таъмирлаш, керакли жиҳозлар ажратилишида кўмаклашиш, интернетга улашиш учун ёрдамлаштириш тўғрисидаги мурожаатлари сувга тушган тошдек исизсиз кетаётди. — Ахборот олувчилар келишган паллада жуда ноқулай аҳолида қоламан, — дейди марказ раҳбари ўринбосари Махфират Нуридинова. — Кўриб турганимиздек, стуллар етишмайди. Китобларни қўйиш учун жавонлар йўқ. Биномиз таъмир-талаб.

чи? Вилоятда бу борадаги аҳоли қандай? — Айни пайтда халқ таълими тизимидagi худудий ахборот-ресурс марказларида жами 149 нафар ходим меҳнат қилмоқда, — дейди вилоят ахборот-ресурс маркази раҳбари ўринбосари Насиба Аминова. — Уларнинг 19 нафари олий маълумотли. Шулардан атиги ўн нафари кутубхоначи мутахассислигига эга. — Халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин", деган гап бор. Олий маълумотли, малакали кутубхоначи кадрлар етишмагач, соҳага у қадар оқиласи бўлмаган кишиларни жалб қилишга тўғри келади. Қолаверса, кадрларни ишга олиш ваколати ахборот-ресурс марказларида берилмаган. Булар ҳам жойларда кутубхоначилик фаолиятини оқилона йўлга қўйишда қийинчиликларни юзга келтираяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда айни дамда эрлик нафарга яқин олий маълумотли кутубхоначи кадрларга эҳтиёж бор.

Олот тумани ахборот-ресурс маркази 1-мактаб қошида фаолият кўрсатмоқда. Бисотида 9 мингдан зиёд китоблар мавжуд. Кейинги пайтда максаннинг адабиётлар фондиди бойитиш борасида ҳам бирмунча илҳомий ишлар қилинди. Жумладан, жорий йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан ўзбек ва чет эл ёзувчиларининг бадий асарлари ҳамда энциклопедиялардан иборат 28 номдаги 4732 та китоб туман ахборот-ресурс маркази ва умумтаълим мактаблари кутубхоналарига етказиб берилди.

"Ранг кўр, ҳол сўр", деганларича бор экан. Тумандаги 3-умумтаълим мактаби кутубхонасининг томидан чакка ўтади. Поли яроқсиз аҳолида. Китоб жавонлари етишмайди. Минг нафарга яқин ўғил-қизлар таълим олаётган билим даргоҳида, муассаса вакиллари эътироф этишганидек, китобсавар ўқувчилар сафи жуда кенг. Мабоодо, лоқал уларнинг ўн нафари бирварақайга келиб, шу ерда мутолаа қилмоқчи бўлса, кутубхоначи ноқулай вазиятда қолади. Негаки, стол-стул етишмайди. Бори ҳам "умр"ини ўтаб бўлган. Энг таажублиси, ахборот-ресурс маркази ҳалигача компьютер билан таъминланмаган.

Дарҳақиқат, марказ раҳбари туманининг собиқ ва ҳозирги ҳокими, молия бўлими раҳбарига ёзма мурожаатлар қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли кенг қатлами тезкор ҳадада сифатли ахборотлар билан таъминлаб борилиши учун имкониятлар яратиш, электрон кутубхона ташкил этиш ва электрон каталоглар юритиш каби муҳим масалаларга кўмак сўраган. Бу мақсад исми жисмига мос бўлмоғи зарурлигини эслатган. Аммо муз ўрнидан қўзғамаяпти. Аҳолига, айниқса, ёшларга зиё улашиши керак бўлган даргоҳнинг

Болаларимизнинг китобдан узоқлашиб кетмасликлари, мутолаа маданиятини юксалтиришларида малакали кутубхоначи кадрлар билими, салоҳияти, жонқуялиги муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, юқорида алоҳида қайд этганимиз — "Китоб махсуслотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиш шарофати билан тизимдаги кўплаб масалаларга ечим топилади. Зеро, Президентимиз "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқида таъкидлаганидек, "...биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синавдан ўтган, юксак маънавият заҳисаси бўлган ҳажон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шўхлиқ, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз".

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Таиланднинг Паттайя шаҳрида академик эшак эшиш бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Шухрат Ганиев ва Вячеслав Дидрих мурабийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

Жумладан, 2000 метрга LM2- қайиғида кечган баҳсда Сардор Тўлқинжоев ва Алишер Турдиев жуфтлиги голибликка эришди. Худди шу масофага LM2х қайиғида Тоҳир Раҳматов ва Шаҳзод Насриддинов тандеми маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳисобот-сўйлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Халқаро футбол уюшмалари федерацияси, Осиё футбол конфедерацияси, УФФ, вилоят футбол федерациялари вакиллари, футбол фахрийлари, мурабийлар, кенг спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон футбол федерацияси:

ТАҲЛИЛ, ТАҚҚОС, ИСТИҚБОЛ

Ўтган вақт мобайнида футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қатор ишлар қилинган таъкидланди.

Анжуманда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, юртимиздаги миллионлаб футбол муҳлисари интиқил билан кутган натижа — Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатида қатнашиши бош совринини қўлга киритди. Ногирон-ампутантларнинг жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз уч бор муваффақият қозонди. Шунингдек, ёшлар ўртасида кўп ва жаҳон чемпионатларида терма жамоамиз муносиб қатнашди. Каршининг "Насаф" клуби Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О. Раматов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги П. Бобожон, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ректори Ш. Исроилов Ўзбекистон футбол федерацияси вице-президентлари этиб сайланди. Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон футбол федерациясининг ижроия қўмитаси аъзолари сайланди.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Осиё чемпионатидаги муваффақият

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси
Расмий дистрибутор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.
Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНИ СУРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондлагани»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жулдадан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
• магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томоққалар ташкил этиш;
• магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни қўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
• турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
• магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасиди қудуқлар қазих, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
• турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
• магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулкан ёқиш КАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазих, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ҲАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазих, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёқи уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.

МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА КАБЕЛИНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ ҲУДУДИДА
2 МЕТР 2 МЕТР
ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ
Магистраль Телефон

ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазих ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг худудий боғламаларига ёқи магистраль алоқа кабелли трассаси белгисиди қўрсатилган кабель участкаси манзилга мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлиниш телефон рақамлари:

Table with columns for location (e.g., TTT филиали Биринчи боғламаси), phone numbers, and other details for various cable sections.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРИЯТ ҚОЛАН ҚўЛБИМАР ТАҚИҚ ҚИЛИНАВДИ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРМАЙДИ.
РЕДАКЦИА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
ГАЗЕТАНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУВАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.
ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИҒРАФИК ЯХШИЛАШ СИФАТИ ЧОП ЭТЛИШИГА "ШАРҚ" НАШИРЎТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Наъбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Наъбатчи — М. Холматова.
Муваҳхих — Ш. Машраббоев.
«ШАРҚ» НАШИРЎТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 22.42 Топширилди — 23.40 2 3 4 5 6